

Чироқчи туман йўллардан

фойдаланиш унитар корхонаси

директори Ж.Авлаёров

2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИК

**Чироқчи туман Йўллардан фойдаланиш унитар
корхонаси 4К292 “Қозоқ-Оқтунли-Аннаруз-
Каттақишлоқ” автомобил йўлининг 13 кмда (А378
Самарқанд-Ғузор автомобил йўли билан кесишмасида)
чоррахага мачта ўрнатиб жорий таъмирлаш буйича
танлов элон килади**






БУЮРТМАЧИ:

Чироқчи ТЙФУК

Чироқчи т 2022-йил

| № | Асосий маълумот | Бажарувчи |
|----|---|---|
| 1 | Буюртмачи | Чироқчи туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| 2 | Буюртма номи | 4K292 “Қозоқ-Оқтунли-Аннаруз-Каттақишлоқ” автомобил йўлининг 13 кмда (А378 Самарқанд-Ғузор автомобил йўли билан кесишмасида) чоррахага мачта ўрнатиб жорий таъмирлаш |
| 3 | Буюртмачи манзили | Чироқчи туман А.Навоий маҳалласи Янгиқурилиш кўчаси 77-уй |
| 4 | Савдо элон қилинадиган портал | Xarid.uzex.uz |
| 5 | Савдо тури | Энг яхши таклифлани танлаш |
| 6 | Валюта тури | Сум |
| 7 | Богланиш учун тел | (91) 469-02-27 |
| 8 | Танлов охири қиймати | 100 000 000 (Бир юз миллион) сум |
| 9 | Катнашувчилар учун талаблар | Иш ва хизматлар сифатли ва уз вақтида бажарилиши шарт |
| 10 | Товар ва хизматларга қуйилган талаблар. | <ol style="list-style-type: none"> 1 Корхона тугрисида тулик маълумот Гувоҳнома, устав, Корхона раҳбарининг фукоролик паспортдан ва буйрукдан нусха (Богланиш учун тел юки электрон почта) 2 Шу мазмундаги ишларни бажаришда камида 3 йиллик иш стажига эга булиши 3 Узининг махсус техникаларига эга булиши 4 Малакали мутахассисларига эга булиши 5 Кафолот хати (Махсулотни уз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш тугрисида) |
| 11 | Бажарилган ишлар ҳисоб китоби | Буюртмачи шартнома шакллангандан сунг шартномани умумий суммасидан 15 % (аванс тулови) олдиндан тулов амалга оширади колган 85% суммани (олинган махсулотнинг қийматига қараб) 2022-йил 31-деқбрь қунигача булиб тулаб беради |

Комиссия азолари :


 _____ Б.Жабборов

 _____ У.Махматбердиев

 _____ М.Шеннаев

 _____ З.Омонов
 Котиб:  _____ Ш.Муминов



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Чирокчи ТИФУК директори

Ж. Авлаёров

2022 йил

4K292 “Қозоқ қ-Оқтунли қ-Аннаруз қ-Қаттақишлоқ қ” автомобил йўлининг 13 кмда (А-378 (Самарқанд-Ғузор автомобил йўли билан кесишмасида) чоррахага мачта ўрнатиб жорий таъмирлаш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чирокчи-2022

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: 4K292 “Қозоқ қ-Оқтунли қ-Аннаруз қ-Каттақишлоқ қ” автомобил йўлининг 13 кмда (А-378 (Самарқанд-Ўзур автомобил йўли билан кесишмасида) чоррахага мачта ўрнатиб жорий таъмирлаш

1.2. Танлов охириги қиймати – 100 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022 йил муддатда.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлиб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чироқчи ТЙФУК (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Янги қурилиш кучаси 77-уй.
Эл.адрес: qash.chiroqchi@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: Танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим этилиши лозим.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техик қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хир бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тадиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда талифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу


билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош муҳандис:



Б.Жабборов